

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2020 йил июль ойининг 13-куни жиноят ишлари бўйича Чирокчи туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ў.Расулов, судья ёрдамчиси А.Байназаровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Чирокчи туман прокурорининг катта ёрдамчиси Р.Умеров ва судланувчининг ҳимоячиси “Yangiboyev Murodjon” адвокатлик фирмаси адвокати А.Рахимовларнинг иштирокида, Т. Б. Э.га оид 1-1814-2001/99 - сонли жиноят ишини кўриб чикди.

Судда аниқланишича:

Т. Б. Э. (Т. В. Е.), 1989 йил 4 июнь куни Чирокчи туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, 1 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Чирокчи тумани, Араббанди МФЙ, Пастқорақия қишлоғида яшайди, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасининг нусхасини 2020 йил 13 май куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини ҳамда томонлар музокарасини тинглаб, жиноят ишидаги далилларни ўрганиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Б.Т., 2013 йил май ойида, Чирокчи тумани Чиғана қишлоғида яшовчи А. Б. А.ни алдаб, унга арзон нарҳда ун ва омухта ем маҳсулотлари олиб келиб беришини айтиб, уни ишонтириб, шу тариқа бир йил давомида унинг жами 30.000.000 сўм пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, Б.Т. ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2018 йил апрель ойида, А. Б. А.ни алдаб, унга “Чорвачилик учун банкдан ўз номингизга 8 млн. сўм кредит олсангиз, бу кредитни мен олиб ишлатаман ва кейинчалик кредит қарзини ҳам ўзим тўлаб бераман” деб айтиб, уни ишонтириб, шу тариқа банкдан Б.А.нинг номига расмийлаштирилган 8 млн. сўм кредит пулларини Чирокчи туманида жойлашган “ЕКО IDEAL ROM” хусусий корхонаси орқали қўлга киритиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юбориб, фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Бундан ташқари, Б.Т. ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2018 йил апрель ойида, Чирокчи тумани Янгиқишлоқ қишлоғида яшовчи таниши Б. Ш. А.ни алдаб, унга “Банкдаги кредит қарзларингизни ўзимнинг фирмам орқали пул ўтказиб тўлаб бераман, Сиз нақд пулларингизни менга беринг” деб айтиб, уни ишонтириб, шу тариқа унинг 18.000.000 сўм



пуллари кўлга киритиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юбориб, фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Т. Б. Э. ўзининг содир қилган бу ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган фирибгарлик жиноятини қасдан содир қилган.

Судланувчи Б.Т. судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, А. Б. билан 2013 йилда Чироқчи тумани Уйшун озиқ-овқат деҳқон бозорида танишганлигини, ўшанда А. Б. бозорда электр бумлари савдоси билан шуғулланиб келганлигини, у эса шу бозорда ун ва ёғ маҳсулотлари ҳамда омухта ем маҳсулотлари савдоси билан шуғулланганлигини, Б. бобо билан аввал ҳам бир-икки марта пул олди-берди қилганлигини, кейинчалик Б. бободан яна 2013 йилнинг май ойида Шурқудук деҳқон бозорида омухта ем олиб келиб беришини айтиб аввалига 12.000.000 сўм, кейинчалик орадан тахминан беш-олти ой ўтиб, ишлари юришмай қолганидан сўнг яна омухта ем олиб келиб беришини айтиб 18.000.000 сўм пул олганлигини ва кейин ишлари юришмай орқага кетганлиги учун пуллари келишилган вақтда қайтариб беролмаганлигини, шунингдек 2018 йил апрель ойида Б. бобо билан Чироқчи тумани марказида жойлашган Микрокредитбанк биноси олдида учрашиб қолганлигини ва ўшанда суҳбат чоғида Б. бобога чорвачилик учун банкдан номига 8 млн. сўм кредит чиқаришни таклиф қилиб, бу кредитни у олиб ишлатишини ва кейинчалик кредит қарзини ҳам ўзи тўлашини айтганида у рози бўлганлигини, шундан кейин у Б. бобонинг номига кредит ҳужжатларини расмийлаштириб, унинг номидан 8 млн. сўм кредит пуллари Чироқчи туманида жойлашган бир танишининг “ЕКО IDEAL ROM” хусусий корхонасига ўтказиб олганлигини, кейин бу кредит пуллари ҳам ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб қўйиб, ўз вақтида Б. бобога қайтара олмаганлигини, бундан ташқари 2018 йил апрель ойида Чироқчи тумани Янгиқишлоқ қишлоғида яшовчи таниши Б. Ш. акадан ҳам унга банкдаги кредит қарзларини ўзи фирмаси орқали пул ўтказиб тўлаб беришини айтиб 18.000.000 сўм нақд пул олганлигини, кейин ишлари юришмай қолганидан сўнг ундан олган пуллари ҳам ўз вақтида қайтара олмаганлигини, ҳозирда ўз айбини тўлиқ тушуниб етганлигини ва қилмишидн қаттиқ пушаймонлигини, жабрланувчилардан кечирим сўраб Ш.Б.га етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини, лекин моддий имкони бўлмай қолганлиги учун Б.А.га етказилган зарарнинг бир қисмини яъни 13.100.000 сўмни ҳозирги кунга қадар қоплаб беролмаганлигини, имкони бўлиши билан ушбу зарарни ҳам тўлаб беришини, келгусида қайтиб бундай жиноятларга қўл урмаслигини баён қилиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Б.А. судда, Т. Б.ни 2013 йилнинг бошларидан буён танишини, ўшанда Б. Чироқчи тумани Уйшун озиқ-овқат деҳқон бозорида ун ва ёғ маҳсулотлари ҳамда омухта ем маҳсулотлари савдоси билан шуғулланиб келганлигини, Б. билан яхши таниш бўлганлиги сабабли у аввал ҳам ундан бир-икки марта пул олиб қайтариб берганлиги учун унга ишониб қолганлигини, кейин 2013 йилнинг май ойида Б. ундан Шурқудук деҳқон бозорида омухта ем олиб келиб беришини айтиб 12.000.000 сўм пул олганлигини, кейинчалик орадан тахминан беш-олти ой ўтиб ундан яна омухта ем учун 18.000.000 сўм пул олганлигини, аммо у ваъда қилганидек келишилган вақтда унга омухта ем олиб



келиб бермаганлигини, бир неча марта Б.дан пулларини айтириб беришин сўраганида у тез орада қилиб беришини айтиб уни алдаб келганлигини, бундан ташқари 2018 йил апрель ойида Б. билан Чирокчи тумани марказида жойлашган Микрокредитбанк биноси олдида учрашиб қолганлигини ва ўшанда суҳбат чоғида Б. унга чорвачилик учун банкдан номига 8 млн. сўм кредит чиқаришни таклиф қилиб, бу кредитни у олиб ишлатишини ва кейинчалик кредит қарзини ҳам ўзи тўлашини, ишлари юришиб кетганидан сўнг омухта ем учун олган пулларини ҳам қўшиб қайтариб беришини айтганлигини, шунда у рози бўлганлигини ва Б. унинг номига кредит ҳужжатларини расмийлаштириб, унинг номидан 8 млн. сўм кредит пулларини олганлигини, аммо Б. бу сафар ҳам уни алдаб кредит пулларини ўз вақтида тўламасдан уни банкдан қарздор қилиб қўйганидан сўнг унинг устидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлганлигини, ҳозирда Б. ундан кечирим сўраб, олган пулларини бир қисмини қоплаб берганини, ундан олган пулларининг 13.100.000 сўмини ҳозирги кунга қадар қоплаб бермаганини, суддан Б.Т.дан 13.100.000 сўмни ўндириб беришни, ундан олган пулларнинг ярмидан кўпини қоплагани учун Б.Т.га қамоқ билан боғлиқ бўлган жазо беришни сўрашлигини баён қилди.

Жабрланувчи Ш.Б. судда, Чирокчи тумани Пастқорақия қишлоғида яшовчи Т. Б.ни аввалдан таниганлигини, олдиндан таниши бўлган Т. Т. 2016 йилнинг тахминан март ойларида тадбиркорлик қилиш учун банкдан кредит олганлигини ва у кредит олиш чоғида ўзининг ҳамда унинг автомашиналарини гаровга қўйганлигини, кейинчалик Т. Т. банкдан олган кредитини ўз вақтида тўлай олмаганидан сўнг унинг иши фуқаролик судига оширилиб, суднинг қарорига кўра гаровга қўйилган автомашиналар мусодара қилинганлигини ва иш мажбурий ижро бўлимига ўтказилганлигини, шу муаммони ҳал қилиш ва автомашинасини қайтариб олиш масаласида бош қотириб юрган вақтида 2018 йил 27 апрель куни Чирокчи тумани марказида Т. Б.ни учратиб қолганлигини, ўшанда Б.га ўз муаммосини айтганида, Б. унга ҳозирда ишлари юришиб, фирма очганлигини, кредит қарзига тўламоқчи бўлган пулларини унга нақд берса, у фирмаси орқали пул ўтказиб, кредит қарзини тўлаб беришини айтганлигини, шунда у Б.ни аввалдан таниганлиги учун унга ишониб, аввалги қарзлари билан қўшиб ҳисоблаганда 18 млн. сўм нақд пул берганлигини, Б. пулларни унинг уйига келиб олиб кетганлигини ва пулларни олганидан сўнг ҳозирча озроқ суд ва мажбурий ижро бўлими томонидан бўлаётган ишлар бир томонга сурилишини айтиб бир ҳафтача кутиб туришини айтганлигини, аммо Б. ваъда қилганидек бир ҳафта ичида ҳам, ундан кейин ҳам кредит қарзларини фирмасидан пул кўчириш йўли билан ўтказиб бермаганлигини, шундан сўнг ундан бир неча марта пулларини қайтариб беришини сўраганида, у ҳар сафар уни алдаб пулларини қайтариб бермаганидан кейин унинг устидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлганлигини, ҳозирда Б. ундан кечирим сўраб, олган пулларини тўлиқ қайтариб берганлиги сабабли уни кечирганлигини, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, суддан Т. Б.га нисбатан қонуний енгиллик беришни сўрашлигини баён қилди.

Судланувчи Б.Т.нинг содир қилган жинояти, юқоридаги кўрсатувлардан ташқари жиноят ишидаги:



Гувоҳ Э.Т., Ў.С., Б.А. ва Ж.В.А.ларнинг судда ўқиб эшиттирилган дастлабки терговдаги кўрсатувлари, жабрланувчи Б.А. ва Ш.Б.ларнинг аризалари, дастлабки тушунтириш хатлари, билдиргилар, далолатномалар, маълумотномалар, тилхатлар, аризаларда келтирилган важларнинг асослилигини ўрганиш хулосалари, ҳужжатларни олиш ва кўздан кечириш баённомалари, тилхатларни кўздан кечириш баённомалари, юзлаштириш баённомалари ҳамда бошқа далиллар билан исботланган.

Суд иш ҳолатларини муҳокама қилиб, судланувчи Б.Т.нинг содир қилган жинояти дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди ҳамда унга жазо тайинлашда, айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, жинояти оқибатида етказилган зарарларни қисман қоплаганлигини ва жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жабрланувчи Б.А.нинг унга нисбатан қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо беришни сўраб ёзган аризасини, унинг оилавий шароити ва моддий аҳволини эътиборга олиб, унинг жинойи ҳаракати квалификация қилинган модда санкциясида назарда тутилган жазолардан жарима жазосини тайинлашни ҳамда жарима тайинлашда жиноят тугалланган вақт (2018 йил апрель оyi)даги базавий ҳисоблаш миқдорини инобатга олишни лозим топди.

Бундан ташқари, суд жиноят оқибатида жабрланувчи Ш.Б.га етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини ҳамда жабрланувчи Ш.Б.нинг бу масалада судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини инобатга олишни;

Бундан ташқари, Б.Т. томонидан Қашқадарё вилоят ИИБнинг депозит ҳисоб рақамига қўйилган 4.500.000 сўм гаров пулларини етказилган зарарларни қоплаш учун жабрланувчи Б.А.нинг фойдасига ўтказишни, жиноят оқибатида етказилган зарарнинг қопланмай қолган 8.600.000 сўмни судланувчи Б.Т.дан жабрланувчи Б.А.нинг фойдасига ундиришни белгилашни лозим топди.

Шунингдек, суд иш бўйича ёзма далил деб эътироф этилиб ишга қўшилган, Б.Т. томонидан ёзилган тилхатларни жиноят ишида қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468 ва 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

### **ҲУКМ ҚИЛАДИ :**

Т. Б. Э. (Т. В. Е.) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилсин ва унга шу модда билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 (уч юз) баравари миқдорида яъни, 51.672.000 (эллик бир миллион олти юз етмиш икки минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Т. Б. Э.га нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва Қашқадарё вилоят ИИБнинг депозит ҳисоб рақамига қўйилган 4.500.000 (тўрт миллион беш юз минг) сўм гаров пуллари етказилган зарарни қоплаш учун жабрланувчи Б.А.нинг фойдасига ўтказилсин.



-жиноят оқибатида етказилган зарарнинг қопланмай қолган 8.600.000 (саккиз миллион олти юз минг) сўми судланувчи Б.Т.дан жабрланувчи Б.А.нинг фойдасига ундирилсин.

Жиноят оқибатида жабрланувчи Ш.Б.га етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги ҳамда унинг бу масалада судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Иш бўйича ёзма далил деб эътироф этилиб ишга қўшилган, Б.Т. томонидан ёзилган тилхатлар жиноят ишида сақлансин.

Ҳукмдан норози томонларга ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчиларга ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка муддат ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судига апелляция тартибида, апелляция шикояти берилмаган тақдирда ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят беришга, прокурор протест келтиришга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

**Раислик қилувчи:**

**Ў.Расулов**

